

АГРОСАНОАТ МАЖМУАСИ ИҚТИСОДИЁТИ

12-МАВЗУ. АГРОСАНОАТ МАЖМУАСИ ТАРМОҚЛАРИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХАРАЖАТЛАРИ ВА МАҲСУЛОТ ТАННАРХИ

Маърузачи: и.ф.н. Доц. Хакимов Р.

Тошкент-2021

12-МАВЗУ. АГРОСАНОАТ МАЖМУАСИ ТАРМОҚЛАРИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХАРАЖАТЛАРИ ВА МАҲСУЛОТ ТАННАРХИ

РЕЖА

12.1. Ишлаб чиқариш харажатлари тушунчаси, моҳияти.

12.2. Таннарх тушунчаси, унинг моҳияти. Маҳсулотлар ва хизматлар таннархига таъсир қилувчи омиллар


12.3. Маҳсулотлар таннархини ҳисоблаш тартиби.

12.4. Агросаноат мажмуасида маҳсулотлар ва хизматларнинг ҳозирги даражаси.

12.5. Маҳсулотлар ва хизматлар таннархини пасайтириш йўллари.

12.1. Ишлаб чиқариш харажатлари тушунчаси, моҳияти.

Маҳсулотлар таннархи иқтисодий категориялардан бири бўлиб, маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш учун сарфланган харажатларнинг пулдаги ифодасидир. Тўла таннарх деганда маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш ва уни сотиш учун сарфланган харажатларнинг пулдаги ифодасига тушунилади.



12.1. Ишлаб чиқариш харажатлари тушунчаси, моҳияти.

Ҳар қандай ишлаб чиқариш маълум харажатлар бўлишини талаб қилади. Бошқача айтганда, бирор бир маҳсулотни ишлаб чиқариш учун ресурслар сарф қилинади. Жумладан, кишилар меҳнат қилади ва ўз кучини сарфлайди. Уларнинг қилган меҳнати учун ҳақ тўланади. Меҳнат учун тўланган ҳақ ва унинг қўшимчалари ишлаб чиқариш учун харажат ҳисобланади.

12.1. Ишлаб чиқариш харажатлари тушунчаси, моҳияти.

Қишлоқ хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқариш учун уруғлик, ёқилги – мойлаш материаллари, ўғитлар, ем-хашак, ишлаб чиқаришни бошқариш билан боғлиқ харажатлар ва бошқа материаллар сарфланади.



**Таннарх иқтисодий категория сифатида қуйидаги
функцияларни бажаради**

**қишлоқ хўжалигига инвестицияларнинг мақсадга мувофиқлигини
иқтисодий баҳолашда асос бўлади**

бошқарув қарорларини қабул қилишда асос бўлиб хизмат қилади

фойда, рентабелликни ҳамда солиқларни аниқлашга асос бўлади

**маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ барча харажатларни
ҳисобини ва уларни назоратини олиб боради**

маҳсулотлар нархини белгилашнинг асоси бўлиб хизмат қилади

12.2. Таннарх тушунчаси, унинг моҳияти. Маҳсулотлар ва хизматлар таннархига таъсир қилувчи омиллар

Булар

Маҳсулот таннархи тўғридан-тўғри икки омилга боғлиқ.

- ер ва самарани ўсишига олиб келади,
- минтақалар шароитига мос бўлган, илмий асосланган қишлоқ хўжалиги юритиш тизимини жорий этиш;
- алмашлаб экишни тўғри жорий қилиш, талаб ва имкониятдан келиб чиққан ҳолда экин турларини жойлаштиришни рационал ташкил этиш;
- уруғчиликни яхшилаш, селекция ишларини жонлантириш;
- маъданли ва органик ўғитлардан фойдаланишни илмий асосга қўйиш, барча кимёвий воситалардан самарали фойдаланиш;
- ишчи ходимларнинг манфаатдорлигини ошириш.

- фондлардан фойдаланишнинг энг мўътадил (оптимал) йўлларида фойдаланиш;
- ишлаб чиқаришнинг қуюқлашуви (концентрациялашуви) ва ихтисослашувининг энг маъқул ҳажмларини ташкил этиш;
- ишчи ходимларнинг манфаатдорлигини ошириш;
- қишлоқда ижтимоий масалаларнинг ечимини топиш;
- барча харажатларни тежамкорлик билан амалга ошириш, бу борада мавжуд технологиялардан, ишлаб чиқаришни ташкил этиш шаклларида самарали фойдаланиш;
- маҳсулот нобудгарчилигига йўл қўймаслик.

Чорвачилик тармоғида маҳсулот бирлиги таннархининг пасайишига қуйидаги омиллар таъсир қилади:

12.3. Маҳсулотлар таннархини ҳисоблаш тартиби.



12.5. Маҳсулотлар ва хизматлар таннархини пасайтириш йўллари.

Чорвачилик тармоғида маҳсулот бирлиги таннархининг пасайишига қуйидаги омиллар таъсир қилади:

- чорвачиликнинг ем-хашак базасини мустаҳкамлаш, ем-хашакнинг сифатини ошириш ва нисбатан арзон бўлишини таъминлаш;
- чорва молларининг зотини, пода таркибини яхшилаш;
- чорва молларини сақлаш, боқишнинг интенсив технологияларидан фойдаланиш;
- чорвачилик маҳсулотлари сифатини ошириш;
- чорвачиликда ишлаб чиқариш жараёнларини комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш;

Дехқончилик тармоқларида маҳсулотлар таннархининг паст бўлишига харажатларни тежаш ҳам катта таъсир кўрсатади

Бу борадаги омилларга қуйдагилар киради:

- ишлаб чиқариш жараёнларини комплекс механизациялаштириш;
- экинларни парваришда интенсив технологияларни қўллаш;
- ишлаб чиқариш фондларидан самарали фойдаланиш;
- ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва жойлаштириш;
- ишчи ходимларнинг манфаатдорлигини ошириш;
- агросаноат интеграциясини чуқурлаштириш, агросаноат мажмуасига кирувчи тармоқларнинг мутаносиб ривожлантирилиши;
- бошқарув тизимини ривожлантириш ҳисобига у билан боғлиқ харажатларни тежаш;
- қишлоқ жойларда ижтимоий ривожланишни таъминлаш.